



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 16 сентябрь, № 191 (9086)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЗАМОНАВИЙ БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАГАН ЁШЛАР ҲАММА СОҲАДА ЕТАКЧИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 сентябрь куни Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманига ташриф буюрди ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқот қилди.



Давлатимиз раҳбари таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнэк кўрсатган ходимлардан бир гуруҳига давлат мукофотларини тантанали топширди ҳамда таълим сифатини ошириш, ўқитувчи ва мураббийларни янада қўллаб-қувватлаш масалаларини муҳокама қилди. Шунингдек, туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Дастлаб давлатимиз раҳбари тумандаги “Ренессанс” болалар соғломлаштириш оромгоҳида яратилган шароитлар билан танишди.

Мамлакатимизда таълим ва ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бунинг учун қўллаб-қувватлаш муассасалари қурилиб, замонавий жиҳозланмоқда. Ёшларга умумий таълим билан бирга иқтисодига қараб ихтисослаштирилган билимлар ҳам берилмоқда. Жумладан, 14 та Президент мактаби, 201 та ихтисослаштирилган, 2 та спорт ва 9 та ижод мактаби ташкил этилди. Улардаги ўқитиш ва баҳолаш тизими 1 минг 500 та мактабда ҳам жорий этилди.

Бу ишларнинг мантикий давоми сифатида билимли ўқувчиларни саралаб, халқро даражада тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили Фан олимпиадалари маркази, бу йил халқро мактаб ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига мувофиқ, ёшларимизни Американинг “Печак лигаси” (The Ivy League) университетларига тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Бунинг учун миллий дастур қабул қилинди. Жорий йил дастлаб 1,5 минг нафар ўқувчи саралаб олинди. Уларга Президент ва ихтисослаштирилган мактаблардан 208 нафар маслахатчи бириктирилди.

Мазкур “Ренессанс” оромгоҳи ушбу тизимнинг бир қисми бўлди. Бу ерда ёшлар йил давомида 3 ҳафталик интенсив ўқув курсларда ўқитилади. Яхши натижа кўрсатган 40 нафари “Печак лигаси” ўқувчиларининг тажриба алмашиш учун юборилди.

Оромгоҳ 500 га яқин ўқувчиларни қабул қилиш қувватига эга. Маъмурият, ўқув бинолари ва ётоқхонада замонавий шароитлар яратилган. Меҳмонхона, ошхона ҳамда автотурагоҳлар ташриф буюрувчилар учун қўшимча қулайлик саналади.

Ёзда ўтказилган семинарларда фан олимпиадалари ғолиблари, хорижий тил сертификатига эга ёшлар, ижтимоий Ҳимояга муҳтож оила фарзандлари иштирок этди. Бу тенг имкониятлардан фойдаланган ўғил-қизлар билимини ошириб, келажагига мустақкам замин яратди.

Сир эмас, илгари оромгоҳларга дам олиш ва кўнгилочар маскан сифатида қаралган. Энди бундай қараш мутлақо ўзгарди. “Ренессанс” ўқувчиларининг таълим, маънавият ва инновация майдонига айланди.

Президентимиз оромгоҳ хоналаридаги шароитларни, ёшларнинг ихтироларини кўздан кечирди.

STEAM хоналари, самолёт бошқаруви симулятори, табиий фанлар ла

бораториялари болаларнинг қизиқишларини амалий кўникмаларга айлантиради. Улар кутубхонада билимини, спорт майдончаларида саломатлигини мустақкамлайди. Санъат бурчагиде санъат, адабиёт йўналишидаги машғулотлар қўллаб-қувватланади. Хушманзара табиат, дўстона муҳит ёшларнинг қайфияти, интилишини оширади.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон университети раҳбарини ва битирувчилари билан ҳам мулоқот қилди.

— Ўзбекистон ёшларининг салоҳияти, ғайрат-шижоати, интилиши кучли. Биз давлат бўлиб, миллат бўлиб, сифатли таълимни таъминласак, фарзандларимизга ҳеч ким бас келолмайди, улар ҳамма соҳада етакчи бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Танишув давомида Ал-Хоразмий университети кампуси лойиҳаси тақдимот қилинди. Бу ташаббус замирида ҳам ёшларнинг билимли бўлиши, иқтидорни ривожланиши учун шароит яратиш мақсад қилинган. Лойиҳани самарали амалга ошириш бўйича муҳим вазифалар белгилан берилди.

Шу ерда ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан тантанали тadbир бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг аввалида ўз ҳаётини ёш авлодга таълим-тарбия беришдек энг улғу ишга бағишлаб келаётган барча муallимларни табриклаб, уларга чуқур ҳурмат-эҳтиромини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 сентябрдаги Фармонида мувофиқ, таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнэк кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. Улар орасида ўз маблаг ҳисобидан мактаблар қурган ҳамда табдиқорлар, таълимдаги илғор ютуқлари жорий қилишга қўмқлашаётган хорижий ҳамкорлар ҳам бор.

Маросимда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Мен қўллаб соҳа вакилларига унвон, орден ва медаллар бераман. Лекин устозлар мукофотланганидан кўни соғиниб кутаман. Кўксингизни безаб турган орден-медаллар муборак бўлсин. Ўртимизда юксак мукофотларга муносиб фидойи муallимлар кўпайсин, — деди Президент.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққанлар таълим соҳасига эътибори, устоз зотиға юксак ҳурмати учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изхор этди.

Шундан сўнг соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича мулоқот бўлиб ўтди. Унда видеоалоқа орқали бутун республикамиздан 40 мингдан зиёд устоз ва мураббийлар қатнашди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишдаги нутқида сўнги саккиз йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 2 қарра ўсгани, ялпи ички маҳсулот ҳажми йил якунигача 130 миллиард долларға етишини қайд этди.

Ушбу иқтисодий замин асосида ўтган саккиз йилда таълим ва илм-фан соҳасига харажатлар 6 қарра ошири-

либ, 378 триллион сўм маблаг ажратилган. Президентимиз таълим сифатини ошириш, устоз ва мураббийларнинг меҳнат ва яшаш шароитини яхшилаш илоҳотларининг энг устувор йўналиши бўлиб қолишини таъкидлади.

Йиғилишда таълимнинг барча бўғинларини ривожлантириш, ёшлар ва педагоглар учун имкониятларни янада кенгайтиришга қаратилган ташаббуслар белгиланди.

2017 йилда 4 мингдан ортик маҳалларда бирорта ҳам болалар боғчаси йўқ эди, қамров 27 фойздан ошмасди. Бугунги кунда боғчалар сони 38 мингдан, қамрови эса 78 фойздан ошди. Яқинда эълон қилинган янги имтиёз ва имкониятлар натижасида мактабгача таълим кириб бормаган бирорта маҳалла қолмайди, қамров ҳам 80 фойздан кам бўлмайди.

Боғчадаги раҳбар ва педагоглар ойлиги қарийб 2 қарра ошди. Хусусий боғчалардаги тарбиячилар ойлиги ва бола харажатининг бир қисми ҳам бюджетдан қўллаб бериладиган тизим жорий этилади.

Энди давлат ва хусусий боғча тарбиячиларини ишдан ажралмаган ҳолда олий таълимда ўқитиш йўлга қўйилди. Худди Президент мактаблари каби ҳар бир вилоятда “Янги авлод” боғчалари ташкил қилиниб, тарбиячилар илғор педагогик технологияларни ўрганади. Таълимнинг энг узоқ давом этадиган, ҳал қилувчи босқичи бу — мактаб таълимидир.

Мамлакатимиз аҳолиси сўнги 34 йилда 2 қарра ўсиб, 38 миллиондан ошди. Ҳозирда мактабларда 6,5 миллион ўқувчи таълим оляпти. Сўнги саккиз йилда 500 га яқин янги мактаблар қурилгани, мавжудлари кенгайгани ҳисобига 1 миллион ўқувчи ўрни яратилди. 200 мингдан зиёд ўғил-қизлар хусусий мактабларда ўқияпти.

Энди мактаб даврида ўқувчиларни қобилиятиға қараб касб ёки олий таълимға йўналтиришға 9 ва 11-синф ўқувчилари учун ягона давлат имтиҳонлари жорий қилинади. Шу орқали 400 мингга яқин 9-синф битирувчилари техникумларға қамраб олинади. Ўқиниш мактабда давом эттириб, олийгоҳға кириш истағида бўлган ёшларға фанлар танлов асосида чуқурлаштириб ўтилади.

Ҳар йили ўн минглаб мактаб ўқувчилари хорижий тил ва фанлар бўйича халқро сертификатлар оляпти. Энди бундай сертификатлар мактабдаги якуний имтиҳонларда ҳам тан олинади.

Давлатимиз раҳбари касбий таълим масаласиға алоҳида тўхталди. Соҳа учун 2026 йил — Ёшларни замонавий касб-хунарға ўргатиш йили бўлиши таъкидланди.

Шу мақсадда Касбий таълим агентлиги ташкил қилинади. Агентликнинг асосий вазифаси барча 598 та техникумға янги муҳит олиб кириш ва халқро стандартларни жорий қилишдан иборат бўлади.

Бир йил ичида 100 та техникумда Германия, Швейцария, Хитой, Жану-

бий Корея, Буюк Британия каби давлатларнинг таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларнинг энг илғор касбий таълим дастурлари жорий қилинади.

Шунингдек, касбий кўникмаси бор исталган талабгор бу техникумларда хорижий давлатларнинг малакани баҳолаш тизими орқали имтиҳон қилиниб, халқро сертификат олиши мумкин бўлади.

Жорий ўқув йилидан Англиянинг “Pearson” компанияси билан ҳудудлардаги 14 та техникумда “ВТЕС” халқро дастури бошланди. Бу орқали ёшлар халқро стандартлар асосида туризм, ахборот технологиялари, тиббиёт, қурилиш, логистика, электротехника, энергетика, машинасозлик, биотехнология, креатив иқтисодиёт каби йўналишларда талаб юқори касбларни эгаллайди.

Келаси йили саноатда қарийб 45 миллиард долларлик 456 та йирик лойиҳа бошланади. Энди техникумларда “инвестор — тармоқ — техникум” занжири асосида ҳар бир лойиҳа бўйича дуал таълим йўлга қўйлади.

Корхоналар билан аниқ лойиҳалари бўлган техникумлар ўртасида замонавий устакхоналар барпо қилиш бўйича танлов ўтказилади. Танлов ғолибларига устакхона учун замонавий ускуна ва жиҳозлар, спорт анжомлари олиб берилади.

Умуман, дуал таълим билан қамров 5 баробар оширилади. Ҳамкор корхоналарға 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит ажратилади, дуал таълим орқали ишлаётган ўқувчилар бўйича ягона ижтимоий тўлов икки баробар қисқартирилади.

Янги технологияларни ўзлаштириш, иш топишда чет тилларни билиш жуда муҳим. Шу боис техникумлардаги хорижий тиллар учун ажратилган соатлар 4 қарра кўпайтирилади.

Президентимиз қарорига мувофиқ, мактабларда маслахатчи лавозими жорий қилиняпти. Энди улар 7-синфдан бошлаб ўқувчиларни фанларни ўзлаштириш ва касбий қизиқиши бўйича саралаб, 9-синфни битирганида техникумларға йўналтиради.

Бундан ташқари, бу йил 11-синфни битириб, олийгоҳға кири олмаган 200 минг ёш ҳам техникумларда 3 — 6 ойлик қисқа муддатли дастурлар асосида касбға ўқитилади.

— Бу янги ташаббусларимиздан мақсад нима? Ҳар бир ёшни касб-хунар орқали даромади қилсак, оилаларнинг рўзғори бут бўлади, маҳалларда тинчлик ҳўкм суради. Ўйлайманки, бундан ота-оналар ҳам рози бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Техникумдаги муallим ва усталарнинг малакасини, жамиятдаги маъкеини ошириш чоралари ҳам белгиланди. Жумладан, мактабдаги каби техникумларнинг ўқитувчи ва усталари учун касбий сертификатлаш тизими жорий қилинади. Бу орқали техникум устозларига миллий сертификат учун ойлигининг 30 фойзи, халқро сертификатға эса 50 фойзи миқдориде устаме тўланади. Бундан техникумларнинг 30 минглик педагоглар жамоаси манфаат кўради. Ушбу муассасалар директор ва ўринбосарларининг ойлик маоши ҳам оширилади. Энди техникумларда ҳам илмий даража ва унвонлар учун устакхона тўлаш йўлга қўйилди.

Сўнги йилларда, айниқса, олий таълим қамрови жадал ошди. Олий ўқув муассасалари сони 77 тадан 202 таға, жами талабалар сони 250 мингдан 1,5 миллионға етди.

Янги индустриал давр — “тўртинчи саноат инқилоби”ни амалға ошириш учун дунёда “технологик минераллар”ға талаб бир неча қарра кўпаймоқда. Ташхилларға кўра, дунёдаги вольфрам, молибден, рух ва титан захираларининг 10 — 15 фойзи минтакамизға тўри келади. Ушбу улкан ресурсларни юқори қўшилган қийматли маҳсулотға айлантириш учун бизға, энг аввало, илм, билим ва инновация керак.

Шунинг учун илм-фан ва бизнес вакиллари учраштириб, манфаатли ҳамкорликда ишлайдиган тизим ташкил этилиши йатилди. Ихтироларнинг тажриба-синов ишлари харажатларини қўллашға қўшимча 100 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Яқинда ихтирочилар ўртасида тўққизта йўналишда ўтказилган танлов ғолибларига электромобиль берилди. Иккинчи ўрин соҳиблари хорижға стажировкаға юборилди, учинчи ўринни эгаллаганлар эса пул мукофотлари билан тақдирланди.

Энди бундай танловлар олий таълимнинг ҳар бир йўналишида, ўқитувчилар ва талабалар ўртасида ҳам ўтказилиши эълон қилинди.

Олий ўқув юртларида хорижий “ТОП — 500”-талиқ университетлар билан ҳамкорликда ахборот технологиялари, сунъий интеллект, агротехнология, тиббиёт, “яшил” энергетика каби устувор йўналишларда қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилади. “ТОП — 100”-талиқка кирган университетлар филиаллари очилади.

Президентимиз устоз ва мураббийларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш бўйича ҳам қатор ташаббусларни билдирди.

Янги йилдан бошлаб камида 15 йил стажға эға бўлган олий тоифали педагогларға ипотека кредити бошлангич бадалининг 25 фойзи қўллаб берилади.

Келгуси ўқув йилида давлат олийгоҳларига ўқишға кирган педагоглар фарзандларининг шартнома суммасиға 30 фойз чегирме берилади.

Ўқитувчилар янги таълим технологияларини кенг қўллаши учун компьютер харидиға 10 миллион сўмгача имтиёзли кредит берилади. Келаси йилдан педагоглар учун давлат хизматлари тўлови 2 қарра камайитирилади.

Фан ўқитувчилари каби бошлангич таълим ўқитувчилари учун ҳам миллий сертификат бериш тизими жорий қилинади. Сертификат олганларға ҳар ойда 15 фойз устаме тўланади.

Бакалавр босқичини имтиёзли диплом билан битириб, мактабға ишға кирганларға автоматик равишда 2-малака тоифаси, магистрларға эса 1-малака тоифаси берилади. Дунёдаги “ТОП — 300”-талиқ олийгоҳларға ўқишға кирган педагогларға 20 минг долларгача имтиёзли таълим кредити ажратилади.

Йиғилишда ўқитувчи ва талабалар, таълим ташкилотлари раҳбарлари билан мулоқот қилиниб, тақлиф ва фикрлари тингланди.

Шу кун Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги янги туризм мажмуаси имкониятлари билан яқиндан танишди.

Сўнги йилларда ҳудудда инфратузилма ривожлантирилиб, йилнинг тўрт фаслида марокли саёхат учун қулай шароит яратилди. Амурсой, Чиноркент, Чорвоқ дарвозаси каби улкан мажмуалар, замонавий меҳмонхоналар, дам олиш ва умумий овқатланиш масканлари ишға туширилди.

Энди бу сағфа “Чимён” халқро умуммавсумий курорти ҳам қўшилади. Франциянинг “MND” компанияси билан ҳамкорликда амалға оширилаётган ушбу лойиҳа учун 1 минг 278 гектар майдон ажратилган.

Лойиҳа доирасида меҳмонхоналар ва денгиз сатҳидан 3 минг 300 метр баландликка осма дор йўли қурилади. Бу тўлиқ мавсумий туризмни таъминлайди. Қишда чанги ва сноуборд, бошқа ойларда эса тоғ сайёҳлиги ва кўнгилочар ҳордиқ имкониятлари пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги меҳмонхона, ресторан ва савдо мажмуаларини кўздан кечирди.

Жумладан, 6 қаватли замонавий меҳмонхона 320 нафар сайёҳни қабул қилиш имкониятиға эға. Унда йил давомида ўртача 45 минг туристға хизмат кўрсатади. Эътиборлиси, бу ерда “Wyndham” бренди билан ҳамкорликда малакали бошқарув йўлга қўйилмоқда. Бу нафақат хизмат сифати, балки мамлакатимиз туризмнинг халқро нуфузини оширишда ҳам муҳим саналади. Меҳмонхонани ноябрда ишға тушириш режалаштирилган.

Худуддаги яна бир лойиҳа доирасида 7 ва 5 қаватли апартаментлар, 7 қаватли меҳмонхона ҳамда 2 қаватли ресторан қурилди. Уларда ҳам хизмат сифатини халқро стандартлар даражасиға олиб чиқиш назарда тутилган. Йил давомида ўртача 54 мингдан зиёд меҳмонларни қабул қилиш мўлжалланган. Мажмуада 100 дан ортик кишилар ишли бўлади. Айни пайтда 6 та шале қурилиши давом этмоқда.

Президентимиз янги мажмуалар қуриш ва хизмат кўрсатишда илғор тажрибаларни қўллаш, ходимлар малакасини ошириш муҳимлигини қайд этди. Худуддаги имкониятларни туризм платформаларида тарғиб этиб, маҳаллий ва хорижий сайёҳларни фаол жалб этиш юзасидан қўрсатмалар берилди.

Шу ерда 300 та автомобилға мўлжалланган тураргоҳ ҳам бор. Унинг биринчи қаватида ресторан, болалар

майдончаси ва савдо мажмуаси ташкил этилган. Бу нафақат қулайлик, балки туристлар учун қўшимча хизматларни яхлит тақдим этиш имкониятини ҳам беради.

Умуман, “Чимён” умуммавсумий курорти самарасида хизмат кўрсатиш соҳасида минглаб янги иш ўринлари, маҳаллий аҳоли учун барқарор даромад манбаи пайдо бўлади. Туристларға энг замонавий хизматларни тақлиф этиб, мамлакатимизға ташриф буюрувчи сайёҳлар сонини сезиларли оширади.

Бўстонлиқда туризм бошқа соҳалар билан ўйгун тарзда ривожланиб, бутун ҳудуднинг иқтисодий қиёфасини ўзгартиряпти. Савдо ва хизматлар тури, транспортлар ҳаракати кўпайяпти. Шу боис умуммавсумий курорт лойиҳаси доирасида автомобиль йўлида туннель ҳам қурилди.

Ушбу ишоот таркибига узунлиги 1 минг 450 метр бўлган асосий йўл қисми, 2 та кўприк ва пйбдарлар йўлқлари қиради. У худуддаги тоғ курортларига олиб борувчи асосий йўлни қисқартиради. Хавфсизлиқни ошириб, транспортлар ҳаракатини енгилаштиради. Туннель орқали соатига 500 дан зиёд автомобилналар хавфсиз ва қулай ҳаракатланиши мумкин.

Йўллар қулайлиги худуднинг туризм салоҳиятини тўла ишға солиш ва иқтисодиётни ривожлантиришининг муҳим омили экани таъкидланди. Шу билан бирга, табиати мусаффо сақлаш, дам олувчиларнинг экологик маданиятини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Бу каби лойиҳалар туристларға қулайлик яратиши баробарида мамлакатимизнинг инвестициявий ва маданий ҳожибадорлигини оширади. Бўстонлиқ бугунги кунда табиий ғўзалликлари, замонавий мажмуалари ва юксак хизмат маданияти билан ана шундай марказға айланиб бормоқда.

Бўстонлиқ туманиға ташрифи давомида Президент Шавкат Мирзиёев Чимён маҳалласида барпо этилаётган агросаноат боғини ҳам бориб кўрди.

Бўстонлиқда сув мўл, ери унумдор. Бунға асосланиб, туризм ва аграр соҳа уйғун ривожлантирилмоқда. Жумладан, Чимён маҳалласида 3 минг гектар майдонда малина, қорағач, қулупнай, ўрмон ёнгоғи каби меваларни етиштириш йўлга қўйилмоқда.

Лойиҳаниннг умумий қиймати 60 миллион доллардан ортик. Бу маблаг эвазига боғлар ташкил этилади, мевани қайта ишлаш корхоналари ҳамда катта сизимли омборхоналар қурилади.

Айни пайтда 50 гектар майдонда малина ва қулупнайнинг хорижий экспортбоп навлари экилган. Боғ тўлиқ томчилатиб сўғорилади. Малинанин ҳар гектаридан 400 миллион сўм, қулупнайдан эса 500 миллион сўмгача даромад олинади.

Лойиҳа тўлиқ амалға оширилгандан сўнг йилиға 24 минг тоннаға яқин маҳсулот етиштирилади. Унинг салмоқли қисми — ўрмон ёнгоғи ва резаворлар экспортға йўналтирилади. Энг муҳим жиҳати, боғларда 12 мингдан зиёд кишилар ишли бўлади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани қўллаб-қувватлаб, энди қайта ишлаш-ни ривожлантириш кераклигини таъкидлади. Бунинг учун нави танлашдан тортиб, ишлов бериш, меваларни териш ва саралаш жараёнларига замонавий ёндашув талаб этилади. Бу маҳсулотларнинг сифати ва харидор-гирлигини таъминлаб, экспортда ҳам муҳим ўрин тутади. Боғ янаша, атрофида корхоналар ва турдош хизматлар кўпайгани сари одамлар узоққа қатнамай, шу ерда ишлайди. Қўшимча даромад манбаи пайдо бўлиб, худуд иқтисодиёти ривожланади.

Президентимиз бошқа адир ва яйловлар имкониятини ҳам ўрганиб, шундан сердаромад боғлар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

— Бу боғда ерга меҳр, сидқидилдан қилинган меҳнат кўриниб турибди. Натижаси, аввало, даромад, халқимизға манфаат. Бу жиҳатлари бошқа аънавий экинларға нисбатан бир неча баробар юқори. Шунинг учун бундай маҳсулотлар етиштиришни кўпроқ одамларға ўргатиб, даромадини кўпайтириш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБОВЕВ,
Абдулалли РУСТАМОВ,
Ўза махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЯНГИ НАМАНГАН

КЎРКАМ ВА ГЎЗАЛ

МАСКАНГА АЙЛАНМОҚДА



Бир умр эски шаҳардаги отасидан қолган каталакдек ҳовлида яшаб келган Абдурашид ака беш йилча аввал кенжа қизини пойтахтдаги маҳаллалардан бирига узатган эди. Ўшанда келинни олиб кетишга келган қудаларнинг диди баланд экан чоғи, тўй куни гуваладан қурилган уйларга унча менсимай қарашгандай туюлди. Бундан, айниқса, мезбоннинг бирмунча хижолат бўлгани ҳамон ёдида. Утган йили қуда бува яна

келди. Икки нафар набирасини етаклаган қариндошни бу гал Наманганнинг юқори қисмидаги янги маҳалладан олинган шинам хонадонда кутиб олишди. Энди беҳижолат. Пойтахтлик қудаларнинг ҳам юзига табассум ёйилди. Чунки гир-гир шабада эсиб турган даҳа кўрку таровати билан уларнинг дилини яйратиб юборган эди-да.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

— Қойил-ей, жоннинг роҳати бўптию бу кўналгангиз. Уйларнинг кўркамлигини қаранг: осмонпар-лигидан тушиб кетмасин деб дўппимни қўлимга олдим, — тан берганини айтирмайди меҳмон. — Қани санайлик-чи, бир, икки, уч, тўрт, беш.... тўққиз қават. Сип-сил-лик йўллар, мактаб, болалар боғ-часи. Бир қадам нарида ишхона. Э-э, бахтингиз бор экан, кўз тег-масин!

Тошкентлик қариндошга ҳам маъкул тушган тураржой даҳаси кўп эмас, кейинги уч-тўрт йил орасида бунёд қилинди, гўёки шаҳар ичидаги шаҳарча. Илгари унинг ўрни одам бормайдиган ташландиқ ерлар бўлган, шу ердан оқиб ўтган катта ариқ ёқасини эгаллаган қамишзорларга кечалари ёввойи ит, чиябўрилар оралаганини кўпчилик яхши эслайди.

Замонавий

ишбилармонлар маркази

Юртимизнинг бетакорор гўшала-ридан ҳисобланган Наманганнинг харитасида бундай янги манзил-ларни ифода этувчи белгилар йил сайин кўпайиб борапти. Бу — ҳаётий зурайт. Демографики маъ-лумотларга кўра, йилига 25 минг кишига кўпайиб бораётган шаҳар аҳолиси 2026 йилга бориб мил-лион нафардан ортади. Худудни аҳоли турмуш даражасининг ўси-ш сўрәтларига мослаштириш, би-ринчи навбатда, одамларнинг ту-раржойга бўлган эҳтиёжини қон-дириш масаласи устувор қилиб қўйилаётгани шундан.

Давлатобод туманида тезкорлик билан барпо этилаётган Янги На-манган шаҳарчаси аини йўналиш-да рўёбга чиқарилаётган ийрик дастурлардан ҳисобланади. Ижро-си уч босқичга мўлжалланган лойиҳанинг биринчи навбати якун-ланиб, одамлар замонавий хона-донларга кўчиб кирганига унча кўп бўлгани йўқ. Янги даҳа вилоят марказидан унча узоқ бўлмаган ва яқин вақтга қадар "Иттифок" дея аталиб келинган аҳоли пункти не-гизда қад ростлади ва "Юксали-ш" номини олди. Маҳалла 330 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, биринчи босқичда 84 та кўп қаватли тураржой биноси барпо этилиши билан 3841 оила ўзининг шинам хонадонига эга бўлди. Худуд ижтимоий инфратузилмаси, жумладан, умумтаълим мактаби, болалар боғчалари, шифохона, савдо, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари аҳоли учун катта қўлайлик яратган.



тураржой биноси, шунга яраша инфратузилма барпо қилинади. Иморатларнинг аксарияти 9, 16, 25 қаватли қилиб қурилади. Бунёдкорлик ишларида биринчи навбатда уларнинг зилзилабар-дошлик кўрсаткичлари пухта ҳисоб-китоб қилинган — ернинг 9 бал-лгача бўлган силкинишига дош бера олади.

Айтиш керакки, сифат ва тез-корлик билан уйғунлашган қури-лиш технологияси 2028 йилда якунланиши кўзда тутилган иккин-

чи босқич объектларидан кўпчи-лигини битказиш имконини бер-ди. Масалан, учта олий таълим муассасасига мўлжалланган даҳа-да Исоқхон Ибрат номдаги чет тиллар институтининг минг ўрин-ли ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Тошкент киёмё техно-логия университетини филиалининг ўқув корпуси, НамДўнинг иннова-ция факультети ва иккита талаба-лар ётоқхонаси қурилиши жадал-давом этапти.

Боғмисан, боғ бўлибди...

Ҳавоси мўътадиллиги билан аҳолининг мазмунли маданий ҳордиқ чиқаришга хизмат қи-ладиган "Янги Ўзбекистон" боғи за-монавий шаҳарчанинг жозибадор объектларидан ҳисобланади. Қурувчилар уни 58 гектар майдон-да барпо этишди. Бу ердаги кат-та ёзги амфитеатрда бир йўла 2500 киши турли маданий ва кўнгилочар тадбирлари томоша қила олади. У ўтган йили, энг улуг, энг азиз байрамимизнинг 33 йил-лигига бағишланган вилоят бош тадбирини ишончли билан рас-мий равишда очилди. Боғдаги 3,6 гектарда мавжланиб турган

“Юксалиш”га кўчиб келганларнинг бандлиги масаласида бу ерда ташкил этилган учта кичик саноат зонаси ва эркин иқтисодий ҳудуд имкониятлар эшигини очгани кўпчиликнинг дилидаги иш бўлди. Уларга жойлаштирилган 3,9 трлн. сўм қийматидаги лойиҳалар ишга туширилиши билан 26 мингдан кўпроқ иш ўринлари очилди. Жойларни банд этган ишбилармонларнинг кўпчилиги ўз бизнесини муваффақиятли йўлга қўйишга улгургани бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда ҳам ўрнини топгани мисолида кўзга ташланмоқда.

бошлиғи Маъмуржон Жалилов бу ҳақда шундай дейди:

— Халқаро шаҳарсозлик анъа-наларида ўзига хос инқилоб ярат-ган бу тушунчанинг юзага келга-нига ҳали кўп бўлгани йўқ. У ахборот ва коммуникация техно-логиялари тараққиёти ҳамда шу соҳадаги ютуқларнинг соҳада кенг фойдалана бошланганлиги билан боғлиқ, Яъни АКТ ва интернет им-кониятлари шаҳарни, айниқса, унинг инфратузилмасини замона-вий усулларда бошқаришга йўл

очади. Бу эса транспорт, таълим-дан тортиб соғлиқни сақлаш ва уй-жой-коммунал хизматгача — ҳамма-ҳаммаси янада юқори ва мукаммал даражага кўтарилади, демакдир.

Яна 10 мингта уй тўйи бўлади

Шу ўринда бугун ва келажак шаҳри ҳисобланган мукаммал мас-канни бунёд қилиш концепцияси Туркиянинг “Studio werrebro” ком-панияси томонидан ишлаб чиқи-либ, “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК лойиҳаси асосида қурилаётганини айтиб ўтиш лозим. Унинг эътибор-ли жиҳатлари орасида илғор “яшил” технологиялардан кенг фойдаланилганлиги, бу ерда на-фақат яшаш ёки бизнес юритиш, спорт билан шугўлланиш, балки кундалик турмуш учун энг замона-вий шарт-шароит яратиши диқ-қатни жалб этади. Жумладан, “хавфсиз шаҳар” сифатида бутун худуд камералар қўзғатувига оли-нади. 30 гектарли ботаника боғи, манзарали қўчатлардан яратилган яшил “белбоғ”, тўпланган ёмғир сувларини қайта ишлатишга мўлжалланган тизим, ҳар бир ту-раржой биноси ёнида барпо эти-ладиган ва қўёш панеллари ёрда-мида ишлайдиган қувватлаш қури-лмалари билан жиҳозланган авто-тураргоҳлар. Кимнинг шундай ошён-да яшагиси келмайди, дейсиз?

— Бобом, отам қурувчи бўлиш-ган, мен ҳам қирқ йилдан ортиқ улар анъанасини давом эттирдим, — дейди меҳнат фажрийси Аҳмад-жон ака Фозилов. — Бугун бино-корлик соҳаси жуда илдамлаб кет-ди. Билсангиз, ўтган аср охири-ларида Наманган шаҳрида тураржой биноларининг энг баланди етти қаватгача бўлган, марказда учта-гина 9 қаватлиси бор эди. Энди “осмонўпар”лар кун сайин кўпай-моқда. Янги Наманган шаҳарчаси-да 30 — 35 қаватлилар ҳам қад ростлайди. Бу қурилиш индустрия-си ривож, аҳолининг ўсиб бораёт-ган эҳтиёжини қондириш бораси-даги амалий ҳаракатлар самара-си. Янги уйларда истиқомат қилаёт-ганларнинг хурсандлигини айтмай-сизми?

Айтганча, олдинда “ақлли ша-ҳар” истиқболли лойиҳасининг якунловчи босқичи турибди. Унда энг аввало, 50 минг хонадонга эга 700 дан ортиқ кўп қаватли турар-жой биноларини барпо этиш кўзда тутилгани, пировардида Янги На-манган ахлит ҳолда 200 мингга яқин оилаларни бағрига олиши би-лан аҳамиятлидир.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Интилиш

ТАШАББУС ЧЕГАРА БИЛМАС

Асакалик тадбиркор Шўҳратбек Алиев бошчилигидаги жамоа Қорақалпоғистоннинг Кегейли туманидаги 21 катта ерни ижарага олди-ю, янги бинолар қуриб 200 минг бош парранда боқишга киришди. “Кегейли baraka naslli parranda” деб аталган хусусий корхона Асакадан 1600 километр узоқликда жойлашган. Аммо “ташаббус чегара билмайди” деганларидек, тадбиркорни бу асло чўчитгани йўқ. Ўғлини Жўзим бағ овулидаги янги товўқхонага масъул қилиб тайинлади.

Айни чоғда 50 нафар қорақалпоқ ёшлари доимий иш ўрнига эга бўлгандан хурсанд. Йилига 20 млн. 640 минг бош наслии жўжа очириб имконини берув-чи инкубатор фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Насиб этса мазкур корхонанинг наслии товўқлари бир йил-да 27 млн. 520 минг дона туҳум беради. Бунинг учун суткасига 100 тонна омихта ем ишлаб чиқариш қув-ватига эга бўлган замонавий цех тўхтовсиз ишлаши керак. Айнан шу боис ем омборига хомашё келти-риш тўхтовсиз давом этапти.

Дарвоқе, ушбу цех қурилишига тадбиркорнинг 39 млрд., “Микрокредитбанк”нинг 64 млрд. сўм маб-лаги сарфланди.



— Лойиҳамиз пухта ишлаб чиқилган, Шўҳратбек аканинг бу борада тажрибаси катта. Асакадаги корхонамизда ҳозир 1 млн. бошга яқин товўқлар боқилмоқда ва уларнинг маҳсулдорлиги юқори. Шу боис ҳеч иккиланмай айта оламкин, Камолитдин Муслимов, Ботиржон Байжанов сингари мутахассислар ишлаётган бу жамоада ҳам ютуқлар кўп бўлади, — дейди истиқболни белгилаш бўйича масъул, ҳукуқшунос Шерзодбек Шодмоналиев. — Яна бир муҳим жиҳат шундаки, биз барча ишларни қонуний бажаришга, ҳисоб-китоблар шаффоф бўлишига интилиймиз. Чунки давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қорақалпоғистонда ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркорлар учун қатор имтиёзлар жорий этилган. “Сояда қўлмаслик” янги имкониятлар учун йўл очади. Насиб қилса, келгусида бу корхона Кегейли солиқ инспекцияси орқали давлатга оз эмас, кўп эмас 9 млрд. 866 млн. сўм йиллик солиқ (қўшимча қиймат солиғи билан) тўлайди.

Шерзодбек Шодмоналиев Венгриянинг “Авиаген” компанияси орқали дастлабки босқичда “РОСС-308” русумли 65 988 бош наслии жўжа олиб келинганини, бу ерга жами 3 млн. 763 минг 432 АҚШ долларлилик инвестиция киритилганини ҳам таъкидлади. Энг му-ҳими, илгари чет давлатларга бориб иш қидирган, сарсон саргардон бўлган бир ғуруҳ ёшлар эндилик-да янги корхонада кўним топди.

— Тез орада паррандачилик маҳсулотлари экспор-тига ҳам киришилади ва бу саяё-ҳаракатларимиз Жў-зим бағ овулидаги ёшлар орасида бизнесга қизи-қишни янада оширишга туртки беради, албатта, — дейди сўзининг якунида Шерзодбек Шодмоналиев.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мамлакатимиз бўйлаб миллионлаб дарахт кўчатлари экилди. Аини ташаббус орқали экологик барқарорликни таъминлаш, ҳаво ифлосланишининг олдини олиш, аҳоли учун қўлай яшаш муҳитини шакллантириш каби муҳим мақсадлар қўзланган. Аммо... Келинг, ушбу ташаббуснинг бажарилишига Сурхондарё вилояти мисолида назар ташлаймиз.



Аччиқ, аммо очик гаплар

Мазкур умуммиллий лойиҳа бошлан-ганидан буюн вилоят бўйлаб 50 млн.га яқин кўчатлар экилган. Фақатгина 2024 йилнинг кузги мавсумида 6 млн. 3 минг тул мевали ва манзарали дарахт кўчати ерга қадалди. Бунинг учун ўртача ҳар бир кўчат 10 минг сўмдан баҳола-ниб, жами 60 млрд. 30 млн. сўм сарф-ланди. Маблиа бор, кўчатлар бор, меҳ-нат бор — лекин натижа йўқ!

Олмаота — Бишкек — Тошкент — Тер-миз йўналишидаги “М-39” халқаро ав-

томобиль йўлининг Термиз, Ангор, Муз-рабод, Шеробод туманлари худудидан ўтувчи 61 километр қисмидаги бўш ер-ларнинг икки атрофи текисланиб, ман-зарали дарахт кўчатлари экилди. Бунинг учун адир ва тошлоқ майдонлардан ибор-ат бу ерларга унумдор тупроқ ташиб келтирилиб, йўлбўйи кўчат ўтказишга ҳозирланди. Кузги мавсумда йўлнинг икки четидаги бўш ерларга қарийб 300 минг тул турли дарахт кўчати экил-ди. Янги технологиялар асосида ёмғир-латиб сугориш тизими ўрнатилди. Сув

ҳавзалари ташкил қилинди, ҳар бир таш-килот ва корхонага ер участкалари би-риктирилиб, кўчатларни парваришлаш-га масъуллар тайинланди.

Бир қарашда барчаси кўнгилдагидек. Аммо амалда бу дарахтлар бугунги кун-да жуда ачинарли ахволда. Хусусан, Ше-робод тумани орқали ўтувчи “М-39” ма-гистраль йўли ёқасидаги кўчатларнинг катта қисми қуриб кетди. Яратилган ти-зимнинг ишламаётгани, масъулларнинг бепарволиги ва энг ачинарлиси, бу му-

аммога ҳеч кимнинг эътибор бермаёт-гани туфайли кўчатлар тик туриб “жон бермоқда”.

Бунинг асосий сабабларидан бири — сугориш тизимининг самарасизлиги. Ёмғирлатиб сугориш учун мўлжалланган ускуналар баъзи жойларда умуман ишга туширилмаган, баъзилари эса носоз ҳолда. Сув манбалари етарлича таъмин-ланмаган. Масъул ташкилотлар эса ўзларига бириктирилган худудлардаги дарахтларни сугориш ва парваришлаш ишларини назорат қилмаяпти. Маҳаллий аҳоли ва йўл бўйлаб ҳаракатланувчи фуқаролар билдираётган фикрлар бир хил: “Нима учун бу дарахтлар қуриб бо-раётганига ҳеч кимнинг ичи ачимаяпти?”

— Ҳар куни велосипедда шу худуддан ишга катнайман, — дейди ўзини Илҳом Азизов деб таништирган фуқаро. — Қуриб, нобуд бўлаётган арчаларнинг са-ноғи йўқ. Масъуллар эътибор бермаса, вазият янада ёмонлашади. Таклифим шуки, ҳозир ишсиз юрган ёки қўшимча даромад излаётган фуқаролар бор. Агар ўзларига бириктирилган ташкилотлар да-рахтларни парваришлашга вақт ажратол-маса, ўз юмушларидан ортмаса, шу каби фуқароларни ойлик маош билан ишга

ёллашлари мумкин-ку. Улар бу ишга ба-жонидил рози бўлади. Бунда ижтимоий муаммо ҳам ечилади — ишсизлар бандлиги таъминланади, иш берувчи томон эса зиммасидаги масъулиятни бажаради.

Илҳом аканинг сўзларида жон бор. Масъуллар бу ҳақда ўйлаб кўришга, ёмон бўлмайди. Агар шунча маблиа, меҳ-нат ва ресурслар сарфланиб, натижада қуриб кетган кўчатлар ортидан жим ту-рилаверса, бу нафақат лойиҳанинг са-марадорлигига, балки давлат сиёсати-нинг ижросига ҳам жиддий соя солади. Чунки “Яшил макон” умуммиллий лойи-ҳаси фақат кўчат экиш эмас, бу тизим-ли иш — сугориш, парвариш, назорат ва жавобгарлик, демакдир.

Айниқса, лойиҳада ҳар бир сўм, ҳар бир кўчат ҳисоб-китоб қилиниши шарт. Бу умуммиллий ишга ўтказилаётган маб-лагнинг қўққа совирилишидан фақат та-бият эмас, аксинча иқтисодийтимиз ҳам катта зарар кўради. Қолаверса, одам-лар кўз ўнгиде қуриб бораётган дарахт-лар мутасаддиларга, маҳаллий раҳбар-ларга бўлган ишончни сусайтиради.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси — шунчаки ташаббус эмас, балки ама-



лий натижа бериши лозим бўлган кенг қамровли ҳаракатдир. Дарахтлар қуриб бораптими, демак, тизим ишламаяпти. Тизим ишламаяптими, демак, кимдир ўз вазифасини бажармаяпти. Бу эса та-биятга, жамиятга хиёнатдир. Буни асло кечириб бўлмайди.

Биз бу мавзуга яна қайтамыз.

Фарҳод ЭСОНОВ
(«Халқ сўзи»).

АГРАР ТАРМОҚДА ЮРИТИЛАЁТГАН ОҚИЛОНА СИЁСАТ

Ўзбек деҳқончилигининг тарихий доврўғини қайта тиклаш имконини бермоқда



Ўзбекистон замини ҳақида гап кетганда, “тупроғи — олтин, суви — зар”, дея таъриф берилади. Деҳқону соҳибкорларимиз еримиз унумдорлиги, иқлим мўътадиллиги билан ҳақли равишда фаҳрланишади. Чунки тупроқ-иқлим шароитимиз қишлоқ ҳўжалигининг барча тармоғини ривожлантириш, қўшимча даромад манбаларини шакллантириш учун жуда қулай. Японлардек сув устига, хитойликлардек қум устига тупроқ ташлаб, деҳқончилик қилинмайди. Исроилдаги фермерлар сингари хориждан унумдор тупроқ келтиришга ҳам ҳожат йўқ. Заминимиз ўта соҳоватли. Ерга уруғ қадасак, бехато униб чиқади. Бироқ ана шундай табиий имкониятларни тўлиқ ишга сола оляпмизми? Ернинг ҳақиқий эгаси ҳисобланган фермерлар ихтиёрига ишониб топширилган 3,85 миллион гектар экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги қай даражада?

Таҳлил

Масалага бу жиҳатдан ёндашишимизнинг боиси бор, албатта. Сабаби, глобал иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар, ер ва сув ресурсларининг камайиши таъсирида озиқ-овқат хавфсизлиги бутун дунёда энг долзарб вазифага айланди. Бу масала аҳолисининг сони муттасил ўсиб бораётган мамлакатимизга ҳам тааллуқли. Ички бозорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish, аҳолини муҳим истеъмол товарлари билан барқарор таъминлаш давлат ва ҳукуматимизнинг доимий диққат-эътибори марказида турибди. Шундай экан, ер ресурcимизнинг “олтин фонди” бўлган суғориладиган майдонларда деҳқончилик қилаётган фермер ҳўжаликларининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги роли қандай?

Ўзбекистон Фермерлари кенгашидан олинган маълумотларга қараганда, айни пайтда республикада 91,9 мингта фермер ҳўжалиги фаолият юритаётган бўлиб, улар табиат инжиқликларига қарамасдан қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ҳосил олишга эришмоқда. Натижада жорий йилнинг ўтган даврида 9 млн. тонна дон, 16 млн. тоннадан зиёд сабзавот ва полиз, 5 млн. тонна мева ва узум, 4 млн. тонна қартошка, 15 млн. тоннадан кўп гўшт ва сут, 30 минг тонна пилла етиштирилди. Бу рақамлар йил якуни бўйича янада ортиши кутляпти. Негаки, қишлоқ ҳўжалигида пишиқчилик мавсуми кеч кузгача давом этади.

Кўп тармоқли фермер ҳўжалиги мақоми қандай?

Юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида аграр соҳани ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, фермерлик ҳаракатининг нафақат мамлакатимиз иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётидаги муҳим ролини инобатга олган ҳолда, уларни кўп тармоқли бизнес тузилмаларига айлантириш чора-тадбирлари қўрилипти. Бу савй-ҳаракатлар замирида, аввало, қишлоқ аҳолиси ва фермерларнинг манфаати муҳассамдир. Чунки фермер фақатгина деҳқончилик ёки чорвачиликка кўз тикиб ўтирмай, қўшимча тармоқларни йўлга қўйса, янги иш ўринлари очилиб, одамларнинг бандлиги таъминланади, уларнинг даромад манбаи кўпаяди. Қолаверса, бугунги шиддаткор даврнинг ўзи қишлоқ мулкдорлари олдига замон талабларига мос фаолият юритишни қўяпти.

Табиий савол туғилади: кўп тармоқли фермер ҳўжалигининг мақоми қандай? Қимларни бу тоифага киритиш мумкин?

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши бўлими бошлиғи Зокир Алламуродовнинг айтишича, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан бирга, бог ва дала неъматларини қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, саноат маҳсу-

лотлари ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажариш, бир сўз билан айтганда, фаолиятнинг қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари билан шугулланувчи фермер ҳўжаликларига нисбатан кўп тармоқли фермер ҳўжалиги мақоми қўлланилади.

— Бугунги кунда республикада мавжуд фермер ҳўжаликларининг 83,4 мингтаси кўп тармоқли бўлиб, улар деҳқончилик баробарида, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сервис хизматлари кўрсатиш ҳамда бошқа йўналишларда ҳам самарали фаолият юритиб келишмоқда, — дейди З. Алламуродов. — Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 1 мартдаги “Кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари рестрини юритиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маълумрий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ихроси юзасидан Ўзбекистон Фермерлари кенгаши томонидан Адлия ҳамда Рақамли технологиялар вазирликлари билан биргаликда Давлат хизматлари маркази “my.gov.uz” платформасига “Кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари реестри” тўлиқ интеграция қилинган фермерлар учун қўшимча қулайлик бўлди. Эндиликда фермер ҳўжаликларини “Кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари реестри”га киритиш учун барча фермер ҳўжаликлари раҳбарлари “my.gov.uz” платформасига ариза билан мурожаат этиш имкониятига эга. Бунинг натижасида 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигида 15,7 мингта фермер ҳўжалиги Давлат хизматлари маркази орқали “Кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари реестри”га киритилди.

«Чўлни бўстонга айлантирамиз!»

Очигини айтиш керак, яқин-яқингача аксарият фермерлар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан чекланиб қолаётган эди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2017 йилдан эътиборан фермер ҳўжаликлари фаолиятини кенгайтириш, қишлоқнинг чинакам тadbиркорига айлантириш бўйича амалий ишлар кўчатирилди. Натижада соҳадаги камчиликлар бартараф этилиб, барча фермер ҳўжаликлари босқичма-босқич кўп тармоқли субъект мақомига эга бўла бошлади.

— Тўғриси, илгари минг машаққат билан етиштирган пахта-мизнинг пулини ололмай, сарсон бўлиб юрардик, — дейди Қизилтепа туманидаги “Сафаробод боғи” кўп тармоқли фермер ҳўжалиги раҳбари Турсунпўлат Раҳабов. — Бугун ҳалол ишлаган фермер ҳам пулини оляпти, ҳам қўшимча рағбат кўряпти. Бошқа-ни қўя турайлик, ўзим мисолима айтсам, 2017 йилда пахтачиликда юқори ҳосилдорликка эришганим учун Президент совғаси — “Каптива” автомоби-

ли билан тақдирландим. Бир деҳқонга эътибор бўлса, шунчалик бўлади-да!

Биласиз, қишлоқ ҳўжалиги ривожининг тақдири сувга боглиқ. Бизнинг ерлар чўл ҳудудида жойлашгани учун сувни етаклаб келишнинг ўзи минг азоб эди. Давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан сув йўлларини бетонлаштириш ҳаракати бошлангач, бу муаммо ҳам ечилди. Биз сув оладиган Қарноб каналининг 17 километри бетонлаштирилди. Бу жараёнда томошабин бўлиб ўтирмасдан фермер ҳўжалигимиз ҳисобидан ушбу каналнинг 5 километрига ўзимиз бетон ётқиздик. Натижада авваллари даламизга сув 10 соатда келса, эндиликда 1 соатда етиб келяпти.

Сув муаммоси ҳал этилган, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш мақсадида томчилатиб суғоришни йўлга қўйдик. Энг қувонарлиси, 400 гектар янги ер ўзлаштириб, ушбу жойда ҳам деҳқончилик қилляпти. Пахта майдонимизнинг ўзи 500 гектар. Ундан 2 минг тоннадан ортиқ ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз.

Фермернинг айтишича, деҳқончиликдан ташқари, асаларичилик, паррандачилик, чорвачилик ҳам улар зиммасида. Биргина бўрдоқчилик фермасида 100 бош новвос тайёр бўлди. Аҳолига арзон гўшт маҳсулотлари етказиб беришни ният қилган ҳўжалик жамоаси булар билан чекланиб қолмасдан, қўйчиликни

ган ишлар кўлами яққолроқ кўринади.

Шубҳасиз, бу сўнгги йилларда соҳани замонавий технологиялар асосида ривожлантириш, фермерларга имтиёзли кредит ва солиқ енгилликлари бериш, кооперация алоқаларини йўлга қўйиш учун мустахкам ҳуқуқий асос яратилгани, айниқса, ер эгаларининг ҳуқуқлари ҳимояси кўчатирилгани самарасидир. Эътибор қилинг-а, Кенгаш ҳуқуқшунослари фермерлар ҳуқуқий ҳимоя борасида судларга 1,1 трлн. сўмлик 4 400 та даъво аризаси киритган эди. Улардан 3 152 таси қаноатлантирилиб, фермерлар ҳисобига 517,9 млрд. сўм маблағ ундириб берилди. Шу билан бирга, қарздор ташкилот ва корхоналарга 1,4 трлн. сўмлик 9 766 та талабнома юборилиб, 547,1 млрд. сўм ихтиёрий равишда ундирилди.

Қишлоқ мулкдорларини молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ, албатта. Шу йилнинг биринчи ярмида “Агросубсидия” ахборот тизими орқали 242,6 млрд. сўмлик субсидия тақдир этилгани фикримиз тасдиқидир. Ушбу маблағ, асосан, сув тежайдиган суғориш тизимлари ва лазерли ер текислагичлар хараидига йўналтирилди.

— Ўз ҳисобидан пахта етиштирган фермерларга 10 фоиз субсидия бериш тизими жорий қилинган фермерларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги навбатдаги қадам бўлди, — дейди Янгибозор туманидаги “Хоразм фахри” фермер ҳўжалиғи раҳбари Отабек Қурбанов. — Шу боис биз 190 гектар ерда банк кредити олмасдан, ўз ҳисобимиздан пахта етиштиряпмиз. Гектаридан 60 центнердан ҳосил кўтляпмиз. Бу натижага амалда эришсак, гектарида 5 миллион сўмдан субсидия оламиз. Бу пахта етиштириш учун кетган харажатимизнинг тўртдан бирини қолайди.

Яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни кўп тармоқлига айлантиришмоқчимиз. Бунда аҳолининг гўштга бўлган талаби ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда, чорвачиликни йўлга қўймоқчимиз. Айни пайтда 1000 бош қорамолни парвартирлаш бўйича бизнес-режа устида ишляпмиз.

Фермердан деҳқоннинг қўлқаноти бўлган техникалари ҳақида сўраймиз:

— Қандай техникаларингиз бор?

— Қандай техникаларингиз йўқ, деб сўраймизми? — дея саволимизга савол билан жавоб қайтаради фермер. — Имтиёзли лизинглар машина-трактор паркомизни замонавий ва қудратли техникалар билан тўлдирish имконини берди. Қишлоқ ҳўжалигида зарур бўладиган қандай техника бўлса, барчасидан бор. Ҳатто 2 та “John Deere” пахта териш машинаси ҳам олганмиз. Бу йил Хитой компаниясидан 2 та дрон сотиб олдик. Илгари трактор кашф қилинганда, у деҳқонларга қанчалик енгиллик яратган бўлса, бугун дронлар фермерларнинг қўл-қанотига айланиб борапти. Ҳисоб-китобларимизга кўра, 50 килогача юк кўтариш қувватига эга ушбу учувчиси учиш қурилмалари сарф-харажати камайтириш баробарида, ҳосилдорлики 10 — 15 центнерга ошириш имконини берапти. Бу қишлоқ ҳўжалигида янги даврга қадам қўйганимизни англатади.

Устувор мақсад — ҳосилдорлики 100 центнерга етказиш

Бугун деҳқончилик ортидан бой бўлиш, катта меҳнат ресурсига эга қишлоқ жойларда бандлик масаласини узил-кесил ҳал этиб бўлмаслигини барча англаб етган. Соҳага илм-фан ютуқлари, инновацияларни кенгроқ қўллаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, албатта, қўшимча тармоқларни ўзлаштириш янги истиқболларни очиши мумкин. Шу боис фермерларнинг билим ва малакасини кўчатиришга устувор аҳамият қаратилиб, шу йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Қаҳрамони Лола Муротова номидаги қишлоқ ҳўжалигига ихтисослаштирилган техникум ҳамда бошқа ўқув марказларида 600 нафарга яқин раҳбар ва мутахассислар қайта тайёрланди.

Натижасими? Илгари фермер ҳўжалигининг асосий даромади пахтачилик ва галлалчилик ҳиссасига тўғри келган бўлса, бугун бу борадаги манзара ўзгарипти: даромадининг катта қисми қайта ишлаш, чорвачилик, сервис хизматлари ва саноат тармоқларини ривожлантириш орқали шаклланмоқда. Кўплаб илғор фермер ҳўжаликларида Германия, Россия, Исроил, Хитой ва бошқа хорижий давлатлардан замонавий технологик ускуналар олиб келиниб, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилди. Тайёрланаётган истеъмол товарларининг салмоқли қисми экспорт қилинаётгани ислохотлар юксак самаралар бераётганини кўрсатади.

— Илгари пахтадан 18 — 20 центнер, галладан 15 — 20 центнер ҳосил олсак, қувониб юрардик, — дея мулоҳаза қилади Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги “Бекман Аллаберганов” фермер ҳўжалиғи раҳбари Илҳом Палванов. — Президентимиз қақирғига жавобан, илм-фан ютуқларига таяниб, сидқидилдан меҳнат қиладиган бўлсак, ҳосилдорлики беамалол 100 центнергача чиқаришимиз мумкин. АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Исроил, Туркия сингари кўплаб хорижий давлатларда пахтадан 80 — 90 центнердан ҳосил олинаётган пайтда нега биз 50 — 60 центнер билан кифояланиб ўтиришимиз керак?..

Ота-боболаримиз деҳқон ўтган, бизда пойдевор кучли. Ҳозир пахтачиликда пешқадам бўлганлар вақтида юртимизга келиб, деҳқончилик сир-асрорларини биздан ўрганиб кетишган. Қишлоқ ҳўжалигида олиб борилаётган бугунги ислохотлар ана ўша доврўғимизни қайта тиклаш имконини беради.

Кўп тармоқли фаолият — бу бозор иқтисодиёти шароитида фермер ҳўжаликлари учун асосий турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришда иқтисодий ёрдам бўладиган қўшимча даромад манбаидир. Қолаверса, у қишлоққа саноатни олиб кириш, қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш орқали бандлик даражасини таъминлаш, табиий офат ва бошқа кутилмаган ҳолатлар юз берганда йўқотишлар оқибатларини юмшатиш имконини беради. Энг асосийси, инновация ҳамда илғор технологияларни қўллаган ҳолда, ердан ва хомашёдан чуқур фойдаланиш эвазига ички бозорда маҳсулотларга бўлган талаб тобора мўтадиллашувига, экспорт ҳажми кескин ошишига хизмат қилади. Зеро, бугун фермерлик ҳаракати рағнақи йўлида ҳаётга татбиқ қилинаётган янгиликлардан қўзланган мақсад-муддао ҳам ушбу эзгу мақсадларга тезроқ эришидир.

Сайд РАҲМОН
(«Халқ сўзи»).

АНДИЖОН ТОМОНЛАРДА

Ҳоким ва ёшлар учрашуви: истиқбол сари қадам

Андижон вилоятида ҳар ҳафтанинг бир кунинда “Ҳоким ва ёшлар” тадбири бўлиб ўтмоқда. Унда ҳокимлар ёшларнинг фикр ва тақлифларини тинглапти. Кундалик турмушда учраётган муаммоларини ҳал этиш ва янги ғояларини рўёбга чиқариш учун шароит яратилмоқда.



— Бундай учрашувларда биз ўзимизни қийнаётган масалаларни бевосита етказиш имконига эгамиз, — дейди Андижон шаҳрида яшовчи Анваржон Ахмадалиев. — Айрим мурожаатлар ўша ернинг ўзидаёқ хал қилинаётгани аниқ мурдао бўлмоқда. Шу орқали ёшлар фикрига жиддий эътибор қаратилаётганини ҳис қилляпмиз.

Йилнинг ўтган даври мобайнида барча шаҳар ва туманларда ўтказилган тадбирларда 300 га яқин мурожаатлар қайд этилган бўлиб, шундан 90 фоизи жойида ҳал қилинди. Қолганлари эса масъул идораларга йўналтирилиб, ижобий ечим топиш учун аниқ муддатлар белгиланди.

Маҳалла идораси учун янги бино

Андижон вилоятида маҳалла тизимини янада мустаҳкамлаш, аҳолига яқиндан хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида замонавий бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Шу кунларда 19 та маҳалла фуқаролар йиғини янги идораларга кўчиб ўтди.



— Мазкур биноларда ҳодимларнинг самарали фаолият олиб бориши, аҳоли мурожаатларини қабул қилиш ва уларга тезкор ёрдам кўрсатиши учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Муҳаммаджон Нишонов. — Бу маҳалла тизими янада самарали фаолият юритиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Йил давомида Андижон вилоятида жами 45 та маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бинолар қуриш режалаштирилган. Шу кунга қадар эса 28 таси фойдаланишга топширилди.

Ҳонобод саноатидаги чемпион корхона

Ҳонобод шаҳрида нафақат туризм, балки саноат ҳам жадаллик билан ривож топиб бормоқда. “Water Life Mineral” масъулияти чекланган жамияти тез ва юқори суръатларда ўсаётган чемпион корхоналар қаторига киритилгани ҳам бунга мисолдир. Шаҳардаги энг йирик тадбиркорлик субъектларидан бири бўлган ушбу корхона маъданли сув ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.



— Корхонамизда 15 турдан иборат маҳсулот истеъмолга тайёрланиб, қадоқланади, — дейди ишлаб чиқариш гуруҳи раҳбари Улугбек Аҳмедов. — Жамоамизда 280 нафар ишчи самарали меҳнат қилмоқда. Улар тайёрлаётган маъданли сувлар тез орада Қирғизистон, Тожикистон, Қозғистон ва Россия давлатларига экспортга йўналтирилади.

Айни пайтда Ҳонобод шаҳрида 49 та ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритмоқда. Улардан етти-таси экспортёр сифатида бир йилда 26 миллион долларлик маҳсулотни хорижий бозорларга етказиб беради. Бу эса шаҳар иқтисодиётининг барқарор ўсишига хизмат қилади.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА БАХШИДА УМР

Мамлакатимизда олиб борилаётган чуқур ислохотлар туфайли барча соҳалар қатори тиббиётда ҳам жадал ривожланиш жараёнлари кечмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини асраш самарадорлигини оширишга қаратилган янги технологиялар, замонавий тиббий муолажа усуллари амалиётга жорий этилмоқда. Соҳада кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратилиб, ўқув жараёнларига энг илгор тажрибалар татбиқ қилинмоқда. Натижада Ўзбекистон минтақада тиббиёт соҳаси энг ривожланган мамлакатга айланмоқда. Бугун кўплаб хорижликлар турли касалликларга шифо топиш мақсадида юртимизга ташриф буюраётганлари ҳам бежиз эмас.

■ Эҳтиром

Кўлга киритилаётган бу ютуқларда ўз ҳаётини эл саломатлигини асрашга бағишлаган фидойи шифокорларнинг ҳиссаси бекиёс. Шундай инсонлардан бири ҳам шифокор, ҳам олим сифатида нафақат юртимизда, балки узоқ хорижда ҳам кўпчилиكنинг эътирофига сазовор бўлган тиббиёт фанлари доктори, профессор Азамат Шамсиевдир.

У фаолиятининг дастлабки йилларидаюқ буюк бобокалонимиз Ибн Сино ўғитларига амал қилган ҳолда ҳам назарий, ҳам амалий билимларини мунтазам ошириб боришни ҳаётининг асосий қирдаси сифатида белгилади. 1983 йилда ҳимоя қилган болалар хирургиясига бағишланган докторлик диссертацияси ҳамкасблари томонидан жуда юқори баҳоланиб, собиқ иттифоқ тиббиётининг ютуғи сифатида таърифланган эди.

Иқтисодиётимиз жуда ночор аҳволда бўлган ўтган асрнинг 80 — 90-йилларида республикамызда болалар ўлими кўрсаткичи жуда баланд бўлиб, бу борада собиқ иттифокда биринчи ўринларда турар эдик. Шундай огир даврда минглаб оналаримиз болаларининг касалига нажот излаб Самарқандга, “Азамат доктор”га келишарди. Вазият ҳиддийлигини тушунган Азамат Шамсиев янги ташаббус билан чиқди ва 1985 йилда нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда биринчи бўлган Самарқанд болалар хирургияси илмий марказига асос солинди. Бу республикамиз соғлиқни сақлаш тизими янги босқичга кўтарилганидан далолат берад эди. Марказ бугунги кунда ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда.

Юксак илмий салоҳият соҳиби, профессор Азамат Шамсиев 1990 йилдаёқ Самарқандда биринчи бўлиб юрак жарроҳлиги амалиётини ўтказди ва у муваффақиятли чиқди. Шундан сўнг 200 дан орттиқ бундай жарроҳлик амалиётларини бажарди, узоқ йиллар давомида болалар жарроҳлиги йўналишида фаолият юритиб, мингмиглаб гўдаклар ҳаётини сақлаб қолди.



Олимнинг фаолияти, айниқса, мустикайлик йилларида сермахсул бўлди. Назарий тиббиётни ривожлантириш мақсадида профессор мингдан орттиқ мақолалар ва монографиялар эълон қилди, 1996 йилда академик Э. Иргашев билан бирга “Биология ва медицина муаммолари”, 2023 йилда эса “Ипак йўлида инновацион хирургия” журналларига асос солди. 2000 йилда А. Сулаймонов билан ҳамкорликда ёзган “Болалар хирургияси” дарслиги чорак асрдан бери республикамизнинг барча тиббиёт олийгоҳларида ўқитиб келинмоқда.

2004 йилда мамлакатимиз раҳбарияти яна бир ишонч билдириб, профессор Азамат Шамсиевни энг йирик ва кўхна тиббиёт олий ўқув юртиларидан бири — Самарқанд давлат тиббиёт инситутига ректор қилиб тайинлади. Шунда профессор Азамат Шамсиевга хос бўлган ташкилотчилик қобилиятининг янги қирралари очилди. У олий малакали тиббиёт мутахассисларини жаҳон стандартлари даражасида тайёрлашга бел боғлади. Унинг бевосита ташаббуси билан Ўзбекистонда биринчи бўлиб, 2013 йилда халқаро таълим стандартларига мос келадиган кредит-модуль тизими ўқув жараёнига татбиқ этилди. Кейинчалик бу илгор тажриба давлатимиз раҳбари томонидан юқори баҳоланиб, кўплаб-қувватланди ва 2020 йилдан эътиборан мамлакатнинг барча олий ўқув юртиларида жорий қилина бошланди.

Илм кутубхонасиз бўлмайди. Кутубхона ҳақида гап борганда эса, аввало, буюк Ибн Сино хотирамизга келади. Уни етти ёшли Ибн Сино Бухоро ҳукмдори Нух II ибн Мансур (976 — 997)ни даволаб, амир кутубхонасида шугуллинишга рухсат олади. Бу ерда кўплаб сандиқлар қўйилган бўлиб, улар китоблар билан лиқ тўла эди. Ибн Сино кейинчалик бу

ҳақда шундай деб ёзган: “Китоблар ортидан китоблар ўқидим. Ҳеч ким бу китобларни кўрмаган ва ҳатто номини ҳам эшитмаган. Шу пайтгача мен ҳам кўрмаган эдим, бундан сўнг ҳам кўришга муяссар бўлмадим”.

Чиндан ҳам, илм-фани ривожлантиришда китобнинг ўрни бекиёс. Шу боис Азамат Шамсиев институтда жуда катта электрон кутубхона ташкил қилди ва талабаларни дунёнинг тиббий электрон китоблар оламига кириши учун имконият яратди. Бундан ташқари, талабалар илмий тўғарақларига асос солди, уларни, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, илмий конференцияларга сафарбар қилди. Шу тариқа Самарқанд давлат тиббиёт институти (ҳозирги Самарқанд давлат тиббиёт университети) ривожланган мамлакатлар тиббиёти билан интеграциялашди.

Сифатли, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, талабаларга қулай шартшароит яратиш мақсадида 800 ўринли янги ўқув биноси қурилди. Бино Европа классик архитектура услубида, Ирландиянинг 1592 йилда қурилган Дублин университети биносидан андоза олиб бунёд этилди. Натижада, бино нафақат талабаларга шинам, яхши шароит яратишга хизмат қилди, балки кўхна, боқий шаҳарнинг кўркига-кўрк қўшди.

Профессор Азамат Шамсиевнинг номи замонамизнинг машҳур тиббиёт даргалари қаторидан ўрин олган. У Нью-Йорк фанлар академияси академиги, Европа (EUPSA) ва Россия (РАДХ) болалар хирургияси ассоциацияси, Осиё лапароскопик хирурглар ассоциацияси (ELSA), Буюк Британия соғлиқни сақлаш қирролик ассоциацияси, Россия хирурглар жамияти аъзоси, Россия медико-техник академиясининг ҳақиқий аъзосидир. Бундан ташқари, у бир қатор халқаро олий ўқув юртилари ва илмий жамиятлар, жумладан, Грац медицина университети (Австрия), Ихевск медицина академияси ва Бошқирдистон давлат медицина университетининг фахрий профессори ва академигидир. Шу билан бирга, у фанга кўшган ҳиссаси учун академик А. В. Вишневский (2010)

Азамат Шамсиев кутлуг ёшни қаршилаган бўлса-да, ўзбек тиббиёт фани ва элимиз соғлиғи йўлида тинмай хизмат қилиб келаётир. Унинг илмий раҳбарлигида ҳозирга қадар 40 дан орттиқ фан докторлари ва фан номзодлари етишиб чиқди, 12 та дарслик, 35 та монография ва мингдан орттиқ илмий мақолалар нашр этилди. Ихтиролар учун 70 дан орттиқ патентлар олинди. Бу хизматлар юксак давлат мукофотлари — “Соғлом авлод учун” ва “Дўстлик” орденлари билан тақдирланган.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуслари асосида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижадорлигини таъминлашда Азамат Шамсиев сингари фидойи шифокорларимизнинг илмий салоҳияти, улкан тажрибаси муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Темур ШИРИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

Биз ва жаҳон

Лондонда пишган палов

Лондон шаҳрида ўтаётган “World Halal Food Festival” доирасида ўзбек миллий таомларини тайёрлаш бўйича маҳорат дарси ташкил этилди.



У мамлакатимиз элчионаси, Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги туризм элчиси Софи Ибботсон ва “Ошпаз” — ўзбек миллий таомлари бренди билан ҳамкорликда уюштирилди. Фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларига ўзбек ошхонасининг асосий таомлари — палов, сомса, манти ҳамда турли хил ширинликлар тақдим этилди.

Тадбир давомида меҳмонлар нафақат таомлардан татиб кўриш, балки уларни тайёрлаш жараёнида ҳам қатнашди. Асосийси, маҳорат дарси ўзбек халқига хос меҳмондўстлик ва юксак қулнир аънаваларни ёрқин тарзда намойиш этиш имконини берди.

Фестиваль меҳмонлари ўзбек ошхонасига катта қизиқиш билдириб, миллий таомларимизга юқори баҳо берди. Тадбир Ўзбекистоннинг бой маданий мероси ва гастрономик туризмни тарғиб қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этди.

«Дунё» АА.
Лондон

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 10 804 нусxada босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши



Бокс: жаҳон чемпионатида 11 та медаль ва иккинчи ўрин

Англиянинг Ливерпуль шаҳрида бокс бўйича катталар ўртасида “World Boxing” ташкилоти томонидан илк маротаба уюштирилган жаҳон чемпионати якунланди.



“Bank Arena” спорт мажмуасида ўтган мусобақада сайёраимизнинг 68 мамлакатидан 540 нафар боксчи медаллар учун рингга кўтарилди. Эркаклар ва аёллар жами йигирмата вазн тоифасида ғолиблик учун баҳс олиб борди. Беллашувлар мурасасиз ва шиддатли кечиб, чарм қўлқоп усталари бор маҳоратларини намойиш этди.

Қувонарлиси, чемпионатда қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари медаллар сони бўйича мусобақада биринчи ўринни банд қилди. Улар умумий 11 та — 6 олтин, 2 кумуш ва 3 та бронза медалларни кўлга киритди. Шунингдек, эркаклар терма жамоамиз медаллар рейтингига етакчи бўлди. Умумжамоа ҳисобида эса Қозоғистон терма жамоаси медаллар си-

фати бўйича биринчи ўринни эгаллади. Кучли учликда Ҳиндистон терма жамоаси қайд этилди.

Мусобақада Париж Олимпиадаси ғолиблари — Абдумалик Ҳалоқов ва Асадхўжа Мўйдинхўжаев яна бир бор ўз вазн тоифаларида тенгсиз эканини исботлаб, шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Шунингдек, ёш боксчиларимиз Фазлиддин Эркинбоев, Жавоҳир Умматалиев, Акмалжон Исроилов ва Тўрабек Ҳабибуллаев олтин медални кўлга киритди. Навбахор Ҳамидова ҳамда Жаҳонгир Зокиров финалга қадар ўтган беллашувларда зафар қучиб, делегациямиз ҳисобида кумуш медални тақдим қилган бўлса, Сабина Бобоқулова, Феруза Қазақова ҳамда Азиза Зокирова бронза медални билан тақдирланди.



Футзал: Ўзбекистон — Япония терма жамоалари беллашади

Бугун пойтахтимиздаги “Юнусобод” спорт мажмуасида футзал бўйича Ўзбекистон — Япония терма жамоалари ўртасида ўртоқлик ўйини бўлиб ўтади.



Бу 20 — 24 сентябрь кунлари Бишкек шаҳрида ўтказиладиган “Осиё кубоғи — 2026” саралаш баҳсларига тайёргарликнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, “Осиё кубоғи — 2026” саралаш босқичида мамлакатимиз футзал жамоаси “Ф” гуруҳида Қирғизистон, Шарқий Тимор ҳамда Фаластин терма жамоалари билан куч синашади.

Сув полоси: беллашувлар мурасасиз кечди

Наманган вилоятининг Давлатобод туманидаги сув спорти турларига ихтисослаштирилган спорт мактабида сув полоси бўйича катталар ўртасида Марказий Осиё чемпионати ўтказилди.

Мақсуд мусобақада мамлакатимиз вакиллари билан бирга, Қозоғистон ҳамда Туркменистондан келган олтинта жамоа қатнашди.

Беллашув якуний натижаларига кўра, “Ўзбекистон-1” терма жамоаси ғолиб



бўлди. Қозоғистон жамоаси иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, учинчи ўрин Туркменистон жамоасига насиб этди.

Чемпионат совриндорлари ташкилотчилар томонидан медал ҳамда дипломлар билан тақдирланди.

Дзюдо: вакилларимиз Осиёда тенгсиз

Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ёшлар ўртасида дзюдо бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.



Мусобақанинг якуний натижаларига кўра, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 8 та олтин, 3 тадан кумуш ва бронза, жами 14 та медал билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Ушбу чемпионатда Корея Республикаси вакиллари 3 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медал билан иккинчи ўринни банд этган бўлса, Ҳиндистон терма жамоаси эса 2 та олтин, 1 та кумуш ва 3 та бронза медал билан кучли учликдан жой олди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-хуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Шахноза Жолдасовага падари бузруквори

БАТИР отанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тегишли низом асосида рецепт билан бериладиган дориларни электрон рецепт асосида тайинлаш тартиби белгиланди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.15 Тошпирилди — 00.15 1 2 3 4 5 6